

КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ШАХСИЙ-ИНСОНПАРВАРЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Дилбар Абдикаюмовна Шайзакова

Чирчиқ давлат педагогика институти доценти

dilbar.nazirova.77@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада кимё фанини ўқитишда шахсий – инсонпарварлик технологиясидан фойдаланиб босқичма – босқич қўллаш асосида ўқитиш ёритиб берилган.

Калит сўзлари: Педагогик технология, индивидуал, таҳлил қилиш, шахсий - инсонпарвар, реакция, схема.

THE USE OF PERSONAL-HUMANITARIAN TECHNOLOGY IN TEACHING CHEMISTRY

Shayzakova Dilbar Abdikayumovna

Associate Professor of Chirchiq State Pedagogical Institute

ABSTRACT

The article highlights the teaching of chemistry on the basis of step – by – step application using personal-Humanitarian Technology.

Keywords: Pedagogical technology, individual, analysis, individual-humane, reaction, scheme.

КИРИШ

Жамият ҳаётининг демократик тенденцияларини кучайтириш сабабли, таълим тизими ўқувчи шахсининг индивидуал ривожланиш имкониятлари ва ҳолатларини, уларнинг турли ҳаётий босқичларидан ўз-ўзини намоён этиш, ўз-ўзини амалга ошириш шароитларини тадқиқ қилишга асосий эътиборни қаратади. Глобаллашув шароитида таълим - шахсни ҳар томонлама вояга етказиш, унда комиллик ва малакали мутахассисга хос сифатларни шакллантиришда муҳим ўрин тутаяди. Бугунги тезкор давр таълим олувчиларни, қисқа муддатда ва асосли маълумотлар билан қуроллантириш, улар томонидан турли фан асосларини пухта ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитларни яратишни тақозо этмоқда.[1]

Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда. Ўзида ана шу имкониятларни намоён эта олган таълим шахсга йўналтирилган таълим деб номланади [2].

Замонавий педагогик технологияларга шахсий-инсонпарварлик, ҳамкорлик, лойиҳалаш, табақалаштирилган ва индивидуал, модулли, муаммоли, эркин, мажбурламаслик, диалогли, рефлексивли ҳамда эвристик ўқитиш, танқидий фикрлашни ривожлантириш, ўйин, ахборот - коммуникация, ўқувчини қўллаб-қувватлаш технологияларини киритиш мумкин. Бугунги кунда мазкур технологиялар ичида бошқаларини камситмаган ҳолда, қўйилган мақсадларга мос келувчилари, бизнинг нуқтаи назаримизда, шахсий-инсонпарварлик, лойиҳалаш, муаммоли ва эвристик ўқитиш технологиялари деб ҳисоблаймиз. Уларни илмий тадқиқот ишлари, муаммони ечиш, индивидуал фаолиятда, мустақил танқидий фикрлашни ривожлантириш кабиларда қўллашда ҳамда шахсга йўналтирилган муаммоларни ечишда фойдаланиш самарали ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Таълимга шахсга йўналтирилган ёндашув, инсоннинг шаклланиши, унинг индивидуал ривожланиши, шахсга йўналтирилган таълимнинг назарияси ва амалиёти, мазмун ва моҳияти масалалари, ўқув фаолиятининг фаол субъекти сифатида ўқувчи шахсини ривожлантиришга, ўз-ўзини такомиллаштириш, ҳар томонлама тайёрлаш Трубайчук Л.В. “Словарь-справочник педагогических инноваций в образовательном процесс”. 2001., Н.Муслимов, М. Усмонбоева, Д. Сайфурова, А.Тўраев “Инновацион таълим технологиялари”. 2015., Ж.Ғ.Йўлдошев, С.А.Усмонов “Педагогик технология асослари”. 2004., Шайзакова Д.А. Шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллардан фойдаланиб, кимё фанларини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш. 2018., ва бошқа олимларнинг илмий ишлари натижаларида ёритиб берилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Педагогик технология ўз навбатида таълим-тарбиянинг объектив қонуниятлари ва диагностик мақсадлари асосида ўқув жараёнлари, таълим-тарбиянинг мазмуни, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш тизимидир [3].

Кимё фанидан ўқувчини шакллантиришга йўналтирилган асосий технологиялардан бири бу шахсий-инсонпарварлик технологияси бўлиб, ушбу технология ўқувчининг ижтимоий ва билиш фаоллигини таъминлайди.

Шахсий-инсонпарварлик технологияси шахсга йўналтирилган таълимдаги инсонпарварлик ёндашувига тааллуқлидир. Ушбу технологияда ўқувчи шахсининг қизиқиши, қобилияти, имконияти эътиборга олинади. Айниқса, ўқувчида мустақил фикрлаш орқали муаммоли вазиятдан чиқишга интилиш малакасини шакллантиришга алоҳида урғу берилади [4].

Шахсий-субъектли ёндашув шахснинг алоҳида хусусиятининг ривожланишига тўлиқ миқдорда қаратилган ҳисобланади. У ҳар бир ўқувчига ноёб, такрорланмас, ўхшамас каби муносабатда бўлишни назарда тутди.

Ўқувчининг субъект тажрибаси хусусиятини ҳамда ўзлаштиришнинг ички механизми қонуниятини инobatга олишга асосланган принципал янги дидактикани яратиш - психология ва педагогиканинг энг муҳим назарий ҳамда амалий вазифалари ҳисобланади. Шунинг учун бугунги кунда ҳам назарий, ҳам амалий даражада янги шахсга йўналтирилган таълим парадигмасини шакллантириш ва такомиллаштириш муҳим.

Шахсий-инсонпарварлик технологияси ўқувчида дунёнинг борлик кўринишини шакллантиришга имкон берувчи тушунчаларга оид турли фанлардан дастурли билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган. Бошқа технологиялардан фарқли ўларок, бу технология шахснинг бутун бир ривожланишини назарда тутди ҳамда инсонпарварлаштириш принципига асосланади. Уни амалга оширишда ўқувчининг ижтимоий ва билиш фаоллигини, фан мазмунини юқори даражада ўзлаштиришини таъминлашга қуйидагича эришилади:

- ўқитиш жараёни субъектларининг ҳамкорликдаги ҳаракатини ташкил этиш;
- амалий дарсда ишлашга ҳар бир микрогуруҳнинг аъзоларини жалб этиш;
- ўқитишнинг фаол шакл ва усулларида фойдаланиш орқали фан мазмунини юқори даражада ўзлаштиришини таъминлаш мумкин.

Ўқувчиларни ўқитишда шахсий-инсонпарварлик технологияси қуйидаги босқичлар асосида амалга оширилади:

1-босқич: Ўқув вазифасини англаш ва ўқитишга шахсий мотивни яратиш.

2-босқич: Ўқувчининг субъект тажрибасини фаоллаштириш.

3-босқич: Субъект тажрибасининг табиий - илмий ва ижтимоий интеграцияси ҳамда ўрганилаётган мавзунинг фикрий моделини яратиш.

4-босқич: Субъект ва кўп - субъектли тажрибаларни тизимлаштириш жараёнида ўрганилаётган мавзунинг белгили моделини яратиш.

5-босқич: Индивидуал билимлар рефлексияси ва коррекцияси, ўқув вазифасини бажариш асосида ўқувчи томонидан субъект фаолиятини ўзи назорат қилиши ва баҳолаши.[5]

Шахсий-инсонпарварлик технологияси, аввало, шахсни инсонпарвар-лик ёндашуви, психотерапевтик йўналиши билан бошқа технологиялардан ажралиб туради. Бу ўқувчини ҳар томонлама ҳурмат қилиш, яхши кўриш ҳамда ижодкорлик имкониятига ишонч билан қараш ғояларини илгари суради. Бу технологияда шахсга муносабат бирламчи бўлиб, индивидуал ёндашув ҳамда инсоний қарашлар бошқа йўналишлардан устун туради [5]. Қуйида келтирилган “Кимёвий реакция турлари” мавзуси бўйича шахсий – инсонпарварлик технологиясининг қўлланилишини ёритиб берамиз.

Мавзу: “Кимёвий реакция турлари”

Мотивацион- мақсадли босқич.

Дарсинг мақсади: Моддаларнинг синфларга бўлинишини қайтариш, кимёвий реакция турлари ва уларнинг синфларга бўлинишини ўрганиш, кимёвий реакция турлари бўйича олинган билимларни - лаборатория ва амалиётда қўллаш, кимёвий реакциялар тенгламасини тузиш ва кимёвий реакциялар турини аниқлаш.

Тарбиявийлиги: Ўқувчиларларда моддаларни синфланиши тўғрисидаги билимларини тизимлаштириш. Кузатиш асосида кимёвий реакция турлари, фикрлаш қобилиятларини шакллантириш. Реакция тенгламаларини ёзиш ва кимёвий реакция маҳсулотларини олдиндан билиш. Алмашилиш реакцияларини ёзишда кўникмаларни шакллантириш, турмуш тарзида учрайдиган қайтар ва қайтмас реакциялар ҳақидаги тушунча ва маълумотлар бериш.

Ривожлантирувчи: Ўқувчиларни кимёвий реакцияларни тузишда, лаборатория ишларини бажариш кўникмаларини, ўқувчиларда солиштириш ва умулаштириш кўникмаларини шакллантириш: хотирани мустахкамлаш, доимий эътибор, мустақил фикрлаш, бошқаларни фикрларини тинглаш ва эшитиш, фикрлашни ривожлантириш.

Тарбияловчи: Ўқувчиларда фикр алмашилиш, баҳслашиш ва дунё қарашини шакллантириш.

Дарс шакли: Маъруза консультация.

Дарс тури: Аралаш дарс турлари.

Дарс структураси: Янги материални ўрганиш.

Ўқитиш усули: Қисман - изланувчи

Технология: Шахсий-инсонпарварлик технологияси.

Кириш. Дарснинг бориши.

Ўқитувчи: Ақром касал бўлиб, касалхонада ётиб чиқган. Кимё фанидан бир қанча дарс қолдирганлиги сабабли топширқларни ечишга қийналади. Дарсда Ақромга топширқларни бажаришида ёрдамлашамиз. *Сизлар билан ҳаммамиз биргаликда ишлаймиз.*

Ўқитувчи: (Ўқитувчи мавзуга доир табиатда содир бўладиган, турмаш тарзида учрайдиган қизиқарли кимёвий ходисалардан мисоллар келтиради). Бу ходисаларни сизлар биласизлар, улар табиатда ва кундалик ҳаётингизда учрайди, бу ходисалар ўзгаришлари билан ажралиб туради ва натижада янги моддалар ҳосил бўлади. *Бу қайси ходиса?*

Ўқувчи: Бу кимёвий ходиса ва реакциялар.

Операцион босқич:


Ўқитувчи: Тўғри.. Бугун сизлар билан кимёвий реакция нима эканлигини, моддаларнинг кимёвий хоссларини, уларни олиншини ўрганамиз. Чунки бизнинг атрофимизни ушбу моддалар ва жараёнлар ўраб турибди. Бу мавзунини тушуниб олганингиздан сўнг, осонлик билан кимёвий реакциядаги ўзгаришларни ва кимёвий реакция турларига доир берилган турли хил турдаги топширқларни ечишингиз мумкин.

Ўқитувчи: Ер юзиде кўплаб кимёвий реакция турларига мисоллар бор. Уларнинг ҳар бири алоҳид муҳим аҳамиятга эга. Кимёвий реакция нима, реакциянинг турлари ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилинг... .

Тўртта турдаги кимёвий реакция турлари мавжуд: бирикиш, ажралиш, алмашилиш ва ўрин олиш реакциялари. Уларнинг схемаси қуйидагича:

1. $A+B = C$ - бирикиш реакцияси;
2. $AB = B+C$ - ажралиш реакцияси;
3. $A+BC=AC+B$ - алмашилиш реакцияси;
4. $AB+CD=AD+CB$ - ўрин олиш реакцияси;

Ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришда, тасаввур қилишларида, яъни фанни ўзлаштириш даражасини юксалтиришда, ўқув тарбия жараёнини ҳаёт ва ишлаб чиқариш билан боғлиқлигини кўрсатиш учун экранда анимацион компьютер графикаси намоиш этилади.



Ўқитувчи янги мавзу тушунтириб ўтганидан сўнг, ўқувчилар мавзунини қай даражада ўзлаштиришганлигини куйидаги топшириқлар асосида текшириб кўриш мақсадида “Ким билагон” ўйинида фаол қатнашишларига ёрдам берган ҳолда 3 турдаги топшириқларни ўқувчиларга ҳавола этади:

“Ким билагон”

1-тур топшириқлари “Ўзингни бил”.

2-тур топшириқлари “Ўзингни танла”.

3-тур топшириқлари “Ўзингни текшир”.

Ўқувчилар топшириқларни бажаришади ва ўзаро бир-бирлари билан топшириқ вароғларини алмаштиришади ва берилган вазифаларни экрандаги жавобга қараб солиштириб текширишади. Тўғри бажарилган топшириқ учун “+” қўйилади. Бунда гуруҳдошларини ҳурмат қилган ҳолда, фикр аламашинади, ҳамкорликда ишлайди, билмаганларини гуруҳдошларидан сўраб ўрганади.

1-турдаги топшириқ: “Сўзни топинг”

Реакция тенгламалари	Кимёвий реакция турлари			
	Бирикиш	Ажралиш	Алмашиниш	Ўрин олиш
$Mg+2HCl=MgCl_2+H_2$	Б	П	Н	Г
$2Fe(OH)_3=Fe_2O_3+3H_2O$	Л	А	З	Я
$2Ca+O_2=2CaO$	Т	Ф	М	Ч
$K_3PO_4+3AgNO_3=Ag_3PO_4+3KNO_3$	К	В	Ў	Р
$2HgO=2Hg+O_2$	С	И	Ю	У
$Br_2+2KI=2KBr+I_2$	Ж	Ш	Й	Ғ

2-турдаги топшириқ: Қоғознинг тепа қисмида кимёвий реакциялар ёзилган. Пастки қисмида нукта билан рақамлар тартибсиз қўйилган. Тепада ёзилган кимёвий реакциялардаги моддаларнинг коэффицентлари йиғиндиси, ҳар бир сонга тегишли.

Сизнинг вазифангиз: Яширинган “Кимёвий элементни ”топиш.


Бунинг учун, кимёвий реакцияларни тартиб билан тенглаштиринг, тенгламадаги моддаларнинг коэффицентлари йиғиндисини ҳисоблаб, тегишли нуктани топиб, ручка орқали уларни кетма - кет бир - бири билан бирлаштиринг. Агар сиз топшириқни тўғри бажарсангиз, рақамлар орқасида яширинган қайси кимёвий элемент эканлигини билиб оласиз [4].

<ol style="list-style-type: none"> $Ba + O_2 \rightarrow BaO$ $Fe(OH)_3 + HCl \rightarrow FeCl_3 + H_2O$ $Na + S \rightarrow Na_2S$ $Fe + O_2 \rightarrow Fe_3O_4$ 	
----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--

<ol style="list-style-type: none"> $C + O_2 \rightarrow CO_2$ $CH_4 \rightarrow C_2H_2 + H_2$ $Ca + HCl \rightarrow CaCl_2 + H_2$ $K + S \rightarrow K_2S$ 	
--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--

<p>1. $\text{HNO}_3 + \text{CaO} \rightarrow \text{Ca}(\text{NO}_3)_2 + \text{H}_2\text{O}$</p> <p>2. $\text{Fe} + \text{O}_2 \rightarrow \text{Fe}_2\text{O}_3$</p> <p>3. $\text{BaO} + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow \text{BaSO}_4 + \text{H}_2\text{O}$</p> <p>4. $\text{Fe} + \text{Cl}_2 \rightarrow \text{FeCl}_3$</p>	
------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--

3- турдаги топширик. Ўқитувчи ўқувчиларни мустақил фикрлашни билиш ва ошириш мақсадида қуйидаги реакция схемасини доскага ёзади: Ушбу реакция схемасига тўғри келадиган реакцияларга мисолар келтира оласизми? Берилган реакция схемаси қайси кимёвий реакция турига киради?



Ўқитувчи: Ким менга моддалар билан ишлашда техника хавфсизлик қоидаларини эслатади?

Пробирка №1. $\text{H}_2\text{SO}_4 + \text{Zn} =$ кузатувларни ёзиб боринг.

Пробирка №2. $\text{H}_2\text{SO}_4 + \text{CaCO}_3 =$ кузатувларни ёзиб боринг.

Пробирка №3. $\text{NaCl} + \text{H}_2\text{O} =$ кузатувларни ёзиб боринг.

Ўқувчилар доскага ҳосил бўлган реакция маҳсулотларини ёзишади ва биргаликда кимёвий реакция турларини аниқлашади.

Ўқитувчи: Олдингиздаги таблицани тўлдириш:

Модда (молекула)	Одий модда	Мураккаб модда	Номланиши
NaCl			
O ₃			
H ₃ PO ₄			
Ag			
HNO ₃			

Реакция тенламалари	Реакция турлари
$\text{NaOH} = \text{NaO} + \text{H}_2\text{O}$	
$\text{H}_2 + \text{O}_2 = \text{H}_2\text{O}_2$	
$\text{K}_2\text{O} + \text{CO}_2 = \text{K}_2\text{CO}_3$	
$\text{H}_2\text{SO}_4 + 2\text{Na} = \text{Na}_2\text{SO}_4 + \text{H}_2$	
$\text{NaCl} + \text{H}_2\text{O} = \text{NaOH} + \text{HCl}$	

Дарс охирида гуруҳлар бажарган топшириқларини ўзаро таҳлил қилишиб баҳолашади.

Рефлексия босқичи.

1. Мен билдим....
2. Мен ўргандим....
3. Мен тушундим, қила оламан
4. Менга ёқди....
5. Мен учун янгилик бўлди....
6. Мени хайрон қолдирди....
7. Менда амалга ошди....
8. Мен олдим...

Уйга вазифа: Қуйида берилган мураккаблик даражаси уч турдаги топшириқларни танлаган холда бажаринг.

№1 Турдаги топшириқ. Берилган кимёвий реакция турларини оддий ва мураккаб моддаларга ажратинг ва жадвални тўлдиринг.

Реция тенламалари	Оддий моддалар	Мураккаб моддалар
$2H_2+O_2= 2H_2O$		
$3NaOH+H_3PO_4 = Na_3PO_4+3H_2O$		
$CaCO_3=CaO +CO_2$		
$2Fe(OH)_3=Fe_2O_3+3H_2O$		
$(NH_4)_2CO_3 \rightarrow 2NH_3\uparrow + CO_2\uparrow + H_2O$		
$CaO+H_2O=Ca(OH)_2$		

№2 Турдаги топшириқ. Берилган жадвалдаги кимёвий реакция турларини ажратинг.

Реакция тенламалари	Кимёвий реакция турлари			
	Бирикиш	Ажрალიш	Алмашиниш	Ўрин олиш
$Zn+2HCl=ZnCl_2+H_2$				
$2KNO_3=2KNO_2+O_2$				
$C+O_2=CO_2$				
$AgNO_3+NaCl=AgCl+NaNO_3$				
$Cu(OH)_2=CuO+H_2O$				
$Fe+CuCl_2=FeCl_2+Cu$				

№3 Турдаги топшириқ.

1. Қуйидаги берилган моддаларни реакция тенламаларини ёзинг ва қайси кимёвий реакция турларига мансублигини аниқланг.

1. Мис (II) гидроксиди = Мис(II) оксид +сув

2. Барий хлорид + Натрий сульфат=
3. Хлорид кислота + Рух = Рух хлорид + Водород
4. Фосфор(V) оксид + Сув =
5. Азот(V) оксид+ сув=.....
6. Азот(II) оксид + кислород=Азот(IV) оксид

2. Бирикиш, Ажралиш, Алмашиниш, Ўрин олиш кимёвий реакция турларига кирмайдиган реакциялар ҳам борми? Бор бўлса мисол келтиринг.

ХУЛОСА

Мазкур технологияни амалга оширишдан мақсад, шахсий - инсонпарварлик воситалари асосида умуммаданий ва касбий компетенцияларни шакллантиришдир. Таълим олувчида: “ўқитувчи-ўқувчи”, “ўқувчи-ўқувчи” муносабатида коммуникатив кўникмаларни ривожлантириш, ҳамкорликда ривожланувчи ижодий фаолият (масалан, жамоавий, ижодий), унинг тадқиқотчилик, ахборот, ижтимоий-коммуникатив турларида умуминсоний қадриятлар (эзгулик, ғамхўрлик, виждонлилик, фазилатлилик, инсонийлик) хислатларини шакллантиради.

REFERENCES

1. Трубайчук Л.В. Словарь-справочник педагогических инноваций в образовательном процесс. –М.: Издательский дом «Восток», 2001, 81 с.
2. Н.Муслимов, М. Усмонбоева, Д. Сайфурова, А.Тўраев “Инновацион таълим технологиялари”. Т. 2015.5 бет.
3. Беспалько В.И. Педагогика и прогрессивное технологии обучения.- М.: ИРПО 1996.336 с..
4. Ж.Ф.Йўлдошев, С.А.Усмонов “Педагогик технология асослари”. Т. “Ўқитувчи”, 2004.33 бет.
5. Д.А.Шайзакова. Кимё фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологиялар ва замонавий усуллар. –Т.: “Фан ва технология”. Монография. 2017 й.